

4-1-2018

THE ISSUES OF MUTUAL INSURANCE AND ITS USE OF UZBEKISTAN

Q. Qo'ldoshev

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Qo'ldoshev, Q. (2018) "THE ISSUES OF MUTUAL INSURANCE AND ITS USE OF UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 2 , Article 27.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss2/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Қўлдошев Қ.М. – ТМИ,
катта илмий ходими, и.ф.н.

ЎЗАРО СУҒУРТА ВА УШБУ СУҒУРТАНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада суғуртанинг ўзаро суғурталаш шакли, унинг иқтисодиёт ривожига тутган ўрни ва дунё мамлакатларида унинг ривожланиш даражаси тўғрисида ҳамда ушбу суғурта шаклини Ўзбекистонда жорий қилишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари тўғрисида сўз юритилган.

Таянч сўз ва иборалар: Суғурта хизматлари, иқтисодий барқарорлик, суғурта рисклари, ўзаро суғурта, нотижорат шаклидаги ўзаро суғурта, аъзолик бадали, суғурта қопламаси.

В статье рассматриваются вопросы, связанные с организацией взаимного страхования, являющейся специфической некоммерческой формой страхования, его роль в развитии экономики, о степени развития взаимного страхования в развитых странах и социально-экономические аспекты введения взаимного страхования в Узбекистане.

Ключевые слова и словосочетания: Страховые услуги, экономический устойчивый, страховые риски, взаимное страхование, некоммерческое взаимное страхование, членский взнос, страховое покрытие.

In article are considered questions, connected with organization of the mutual insurance, being specific nonprofit form of the insurance, its role in development of the economy, about degree of the development of the mutual insurance in developed countries and social-economic aspects of the entering the mutual insurance in Uzbekistan.

Termins and phrases: The insurance facilities, economic stability, the insurance risks, the mutual insurance, nonprofit mutual insurance, membership donation, insurance covering.

Суғурта мустақил иқтисодий категория ва иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Бунда ўзаро суғурта суғуртанинг ажралмас ва шу билан бирга ўзига хос нотижорат шакли ҳисобланади.

Ўзаро суғуртанинг муҳим ташкилий принципи, суғурта ҳодисаси юз берганда кўрилган зарарни барча аъзолар ўртасида тенг тақсимлашдан иборат. Кутилаётган зарарлар олдиндан аъзолар ўртасида тақсимланади, яъни юз бериши мумкин бўлган зарарлар ҳажми олдиндан ҳисоб-китоб қилинади ва ушбу зарарни қоплаш мумкин

бўлган жамғармани ташкил этиш учун аъзолар тўлайдиган бадаллар қиймати аниқланади ва шу асосда жамғарма олдиндан шакллантирилади.

Ўзаро суғурта суғурта фондини ташкил этишнинг нотижорат шакли бўлиб, унинг мақсади ушбу жамият аъзоларининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Бунинг учун у жамият аъзоларининг маблағларини бирлаштиради. Жамият аъзолари бир вақтнинг ўзида суғурталовчи ва суғурталанувчи ҳисобланади. Бу эса уларнинг таваккалчиликларини минимал нархларда суғурталашнинг иқтисодий шарт-шароитларини яратади.

Ўзаро суғуртанинг нотижорат кўринишида эканлиги суғурта хизмати нархида фойданинг назарда тутилишини инкор этади. Ўзаро суғуртанинг мақсади – суғурта ҳодисалари бўйича харажатларни қоплашдан иборат. Агар йил якунлари бўйича олинган мажбуриятларга нисбатан тўпланган маблағлар кўп бўлса, ушбу қисм аъзолар ўртасида тақсимланади ва ушбу тақсимланган маблағлар уларга қайтариб берилиши ёки келишган ҳолда кейинги йил бадали учун ҳисобланиши мумкин.

Ўзаро суғурталаш жамияти – бу суғуртанинг нодавлат шакли бўлиб, бунда жисмоний шахслар ёки юридик шахслардан иборат ушбу жамиятнинг аъзолари ўзаро келишган шартларда ўз фаолиятлари билан боғлиқ маълум таваккалчиликларнинг юз бериши оқибатида кўриладиган зарарларни қоплайдилар. Жамиятни ташкил этишдан мақсад, ушбу жамият аъзолари фаолиятида йўл қўйиладиган таваккалчиликлар юз берганда кўрилган зарарларни келишилган шартлар асосида қоплаб беришдан иборат. Ўзаро суғурталаш жамияти юридик шахс мақомига эга бўлиб, ўзи олган мажбуриятлари учун ўз мулки билан жавоб беради. Ҳар бир суғурталанувчи ушбу жамиятнинг пайчи-аъзоси ҳисобланади. Аъзоларнинг энг кам сони жамият уставида белгилаб қўйилади. Бу чегарани белгилашда мазкур мамлакат ҳукумати томонидан қабул қилинган қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган аъзолар сонининг энг кам миқдорлари эътиборга олиниши зарур.

Ўзаро суғурталаш жамиятлари, ривожланган мамлакатларда мазкур жамиятлар ҳудудий, миллий ва халқаро бозорларда фаолият кўрсатувчи йирик хўжалик субъектларига айланганлар. Ўзаро суғурта жамиятлари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари дунёнинг йирик суғурта бозорларида 42 фоиздан 70 фоизгачани ташкил этмоқда. Ҳозирги замон чет эл суғурта тизимларида (Европа, Америка, Японияда) бир қанча йўналишлар бўйича ўзаро суғурта етакчилик қилмоқда (айниқса ҳаёт суғуртаси ва нафақа суғуртасида). Дунё суғурта бозорининг 20,5 фоизини ташкил этувчи Япония суғурта бозорида ҳаёт суғуртасининг 90 фоизи ўзар суғурта жамиятлари томонидан амалга оширилмоқда.

**Жаҳондаги энг йирик ўнта суғурта ташкилотларининг активлари тўғрисида
маълумот [1]**

Катталиги бўйича эгаллаган ўрни	Номи	Мамлакат	Активлари (млрд. АҚШ доллари бирлигида)	Ташкилий- ҳуқуқий шакли
1	АХА	Франция	407,9	АЖ
2	Nippon Life	Япония	323,3	ЎСЖ
3	Allianz	Германия	293,7	АЖ
4	Prudential Insurance Company	АҚШ	259,5	ЎСЖ
5	Zenkyoren	Япония	245,4	ЎСЖ
6	Dai-ichi Mutual Life Insurance	Япония	219,6	ЎСЖ
7	Metropolitan Life	АҚШ	201,9	ЎСЖ
8	American International Group (AIG)	АҚШ	194,4	АЖ
9	Sumitomo Life	Япония	182,6	ЎСЖ
10	Prudential	Англия	178,9	АЖ

Жадвалдан кўришиб турибдики, жаҳондаги ўнта энг йирик суғурта ташкилотининг асосий қисми, яъни олтитаси ЎСЖлар экан ва улардан тўрттаси Японияга тўғри келмоқда. Бундан хулоса қилиш мумкинки, жаҳон суғурта бозорида ЎСЖлар етакчилик қилмоқда ва ўзаро суғурта энг кенг ривожланган мамлакат Япония экан.

Россиялик олим В.М. Бартошнинг таъкидлашича: “...суғурта фаолиятини ташкил этишнинг бошқа шаклларига нисбатан тижоратга асосланган суғуртанинг

мутлақ устунликка эга бўлиши шунга олиб келдики, XX асрнинг охирларига келиб бундай фаолият билан шуғулланувчи суғурта компаниялари сони кўпайиб, мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари ўртасидаги мутаносиблик бузилди, ушбу суғурта давлат нобюджет фондларига солиқ тўлашдан қочишнинг воситаси сифатига айланиб қолди. Бозорни монополлаштириш ва носоғлом рақобат муҳити шаклланди.[2] Бундай ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлган бозордаги асосий этишмовчиликлардан бири, бозорда тижоратга асосланган суғурта шаклига муқобил суғуртанинг мавжуд эмаслигидир”.[3] Бу хулоса Россия суғурта бозорига нисбатан қилинган хулоса эди.

Худди шундай этишмовчилик бизнинг мамлакатимизда ҳам мавжуд, яъни миллий суғурта бозоримизда шу вақтга қадар фақат тижоратга асосланган суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатиб, ушбу суғуртанинг муқобил шакли сифатидаги ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолияти амалда мавжуд эмас. Натижада барча имкониятларга эга бўлган, бир бутунликдаги суғурта бозори шаклланмади ва бу ҳолат суғурта хизматларининг кўп сондаги потенциал суғурталанувчиларни қамраб олиш даражасининг пастлигича қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда ўзаро суғуртани барпо этишнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 960-моддасини келтириш мумкин.[4] Ушбу моддада ўзаро суғуртага икки томонлама суғурта деб ном берилган. Мазкур моддага кўра фуқаролар ва юридик шахслар ўз мол-мулкларини ҳамда бошқа мулкий манфаатларини икки тарафлама асосда, яъни икки томонлама суғурта қилиш жамиятларида зарур маблағларни бирлаштириш йўли билан суғурта қилишлари мумкин дейилган.

Аmmo бу ҳуқуқий ҳужжат ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий таъминотини тўла таъминлаб бера олмайди. Бу муаммони ҳал этиш учун ўзаро суғурталаш жамиятларининг фаолияти тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш зарур. Аҳоли суғуртанинг бундай шакли тўғрисида тушунчага эга эмас, ваҳоланки, ушбу суғурта суғуртанинг энг қадимги шакли ҳисобланади ва у бугунги кунда ҳам дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида самарали ва кенг миқёсда амал қилиб келмоқда.

Ўзбекистонда ўзаро суғуртани ташкил этиш ва ривожлантириш стратегиясини шакллантириш учун, ўзаро суғуртани назарий жиҳатдан ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятларига аниқлик киритиб олиш ва шу асосда унинг иқтисодий принципларини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзаро суғуртанинг тижоратга асосланган суғуртадан бир қанча афзалликлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

-ўзаро суғурталаш жамиятлари максимал сондаги рискларни қабул қилишлари мумкин, тижоратга асосланган суғурта компаниялари бундай кўп сондаги рискларни қабул қилмайдилар, бунинг сабаби биринчидан, бундай кўп сондаги рискларнинг таркибида зарарлилик даражаси юқори бўлган рискларнинг мавжудлиги бўлиб, бундай рискларни қабул қилиш уларга фойда эмас зарар келтириши мумкин, иккинчидан, кўп сондаги рискларни қабул қилиш оқибатида суғурта суммаларининг ҳажми ошиб кетади ва бу ўз ўрнида суғурта мукофоти қийматининг ошишига олиб келади;

-ўзаро суғурталаш жамиятларида, суғурта ҳодисаларининг юз беришига қарши доимий назорат олиб бориш ва ҳодиса оқибатларидаги зарарлар ҳажмини камайтириш имкониятининг мавжудлигидир;

-ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолиятининг аъзолар олдида юқори даражадаги шаффофлиги, жамият фаолиятига тегишли бўлган қарорлар қабул қилишдаги эгилувчанлик, яъни кўп ҳолларда аъзоларнинг бир-бирларини яхши билишлари ўзаро ишончни таъминлайди;

-суғурта полиси қийматини пасайтириш имкониятининг мавжудлиги, бунинг сабаби ўзаро суғурталаш жамияти фойда олишни назарда тутмаганлиги ҳамда бошқа ташкилий харажатларнинг камлигидир;

-ўзаро суғурталаш жамияти аъзолари томонидан тўланган бадаллар ҳисобидан ташкил этилган суғурта фонди, суғурта ҳодисаларининг кўпроқ содир бўлиши натижасида етмай қолган ҳолатда, аъзолар томонидан қўшимча бадаллар тўланиши жамият қоидаларида белгилаб қўйилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўзаро суғурталаш суғуртанинг тижорат шаклига нисбатан арзон ва ишончлидир.

Ўзаро суғурталаш жамияти фаолиятини йўлга қўйишда, иккита ўзаро боғлиқ бўлган вазифани амалга ошириш зарурияти юзага келади: биринчиси - ўзаро суғурталаш жамияти томонидан ташкил этиладиган суғурта фондининг ҳажмини аниқлаш; иккинчидан – суғурта қопламаларининг ҳажмини баҳолаш.

Бу иккала вазифани ҳал этиш масаласи билан аъзолар жамиятни ташкил этиш босқичида дуч келадилар. Бу вазифаларни ҳал этишда актуар ҳисоблардан фойдаланиш ўз самарасини беради. Бу босқичда жамият суғурта фондини жамият аъзоларининг аъзолик бадаллари ҳисобидан шакллантиради. Бу жараёнда суғурта фондига қўшимча равишда бошқа пул маблағлари ҳам жалб қилиниши мумкин. Аъзолик бадалининг қийматини ҳар томонлама тўғри белгилаш муҳим ҳисобланади. Унинг миқдори суғурта фондининг ҳажмини белгилайди. Бу ҳажм ўзаро суғурталаш жамияти фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди. [5]

Ўзаро суғурта суғурталанувчининг турли кўринишдаги қалтисликларини суғурталашни қамраб олади ва унинг шартлари тижоратга асосланган суғурта ташкилотлариникидан фарқ қилади. Ушбу хилма-хилликларни тартибга солиш ва ўзаро суғуртанинг ўзаро бир-бирига боғлиқ тизимини ташкил этиш учун ва шу асосда унинг аниқ картинасини очиб бериш учун мазкур тармоқни классификациялаш зарур.

Ўзаро суғуртани классификациялаш жами ўзаро суғурталаш муносабатларини, бир-бирига иерархик бўйсинувчи ўзаро боғлиқ қисмларга ажратиш, яъни умумий ўзаро боғлиқ белгилари асосида ўзаро суғурталаш жамиятларини турлари бўйича ажратишнинг иерархик тизимини ташкил қилишдек муҳим вазифани бажаришга йўналтирилган.

Умумий белгилардан келиб чиққан ҳолда ўзаро суғурталаш жамиятларини турлари бўйича қуйидагича классификациялаш мумкин:

1. Фаолият майдонидан келиб чиқиб, ўзаро суғурталаш жамиятлари қуйидагиларга бўлинади: халқаро, ўз филиаллари орқали дунёнинг бир нечта мамлакатларида фаолият олиб борувчи ўзаро суғурталаш жамиятлари; минтақавий, бир минтақада жойлашган, бир нечта ўзаро яқин мамлакатда фаолият олиб борувчи ўзаро суғурталаш жамиятлари; миллий, бир мамлакат миқёсида фаолият олиб борувчи ўзаро суғурталаш жамиятлари; худудий, бир мамлакатнинг маълум худудида фаолият олиб борувчи ўзаро суғурталаш жамиятлари; маҳаллий, бир шаҳар ёки туман миқёсида фаолият олиб борувчи ўзаро суғурталаш жамиятлари.

2. Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича ўзаро суғурталаш жамиятлари нотижорат ҳамкорлик ва нотижорат ва тижоратга асосланган суғуртанинг уйғунликдаги шаклларига бўлинади.

3. Кўрсатиладиган суғурта хизмат турларига қараб ўзаро суғурталаш жамиятлари ҳаёт суғуртаси ва умумий суғурта соҳалари бўйича хизмат кўрсатувчи жамиятларга бўлинади.

4. Қайта суғурта ҳимоясининг мавжудлиги бўйича ўзаро суғурталаш жамиятлари қуйидагиларга бўлинади:

-миллий суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган, тижоратга асосланган суғурта компанияларида қайта суғурталанган ўзаро суғурталаш жамиятлари;

-чет эл суғурта компанияларида қайта суғурталанган ўзаро суғурталаш жамиятлари;

-қайта суғурталовчи ўзаро суғурталаш жамиятларида қайта суғурталанган ўзаро суғурталаш жамиятлари;

-қайта суғурта ҳимоясига эга бўлмаган ўзаро суғурталаш жамиятлари.

5. Тўланадиган аъзолик бадалининг туридан келиб чиқиб ўзаро суғурталаш жамиятлари қатъий белгиланган аъзолик бадали тўланадиган жамиятлар ва қўшимча бадал тўлаш кўзда тутилган жамиятларга бўлинади.

6. Аъзоларнинг таркиби ва сонидан келиб чиқиб ўзаро суғурталаш жамиятлари жисмоний шахсларни ўзида бирлаштирган жамиятлар ва юридик шахслар ҳамда хусусий тадбиркорларни ўзида бирлаштирган жамиятлар.

7. Филиаллар мавжудлигидан келиб чиқиб ўзаро суғурталаш жамиятлари филиаллари мавжуд бўлган жамиятлар ва филиаллари мавжуд бўлмаган жамиятларга бўлинади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида келтирилган классификация ўзгармас эмас, мамлакатдаги иқтисодий ҳолатнинг ўзгариши ва суғурта бозоридаги ўзгаришлардан келиб чиқиб мазкур классификаторга ўзгаришлар киритиш мумкин.

Ўзаро суғуртанинг иқтисодий мундарижаси ва ўзига хослиги уни ташкил қилиш принципларида кўринади. Унинг аъзолари бир вақтнинг ўзида суғурталовчилар ва суғурта хизматларининг истеъмолчилари бўлганлиги учун, зарарларни улар ўртасида ўзаро келишган ҳолда жойлаштириш имконини беради, аъзолик бадаллари эса шундай шакллантирилиши керакки, охир оқибатда у йил давомида юзага келадиган зарарлар ва жамиятда иш юритиш харажатларини қоплашга етарли бўлсин.

Россиялик олим Рябчиков В.Н. томонидан ҳудудларда ўзаро суғуртани ривожлантиришга бағишланган илмий ишларда ўзаро суғуртанинг қуйидаги принциплари келтирилади:

-биринчи принцип, ўзаро суғурталаш жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли билан боғлиқ принцип бўлиб, жамиятга аъзоликка кириш ва ундан чиқишнинг ихтиёрийлиги, раҳбарлик органларига номзодларни сайлов асосида танлаш ва уларнинг умумий йиғилишида аъзолар олдида ҳисоб бериши, молиявий ва бошқа маълумотларнинг аъзолар учун очиқлиги, сайланган раҳбарлар томонидан чиқарилган қарорларни аъзолар томонидан бажаришнинг мажбурийлиги каби иқтисодий муносабатларнинг демократик принциплари;

-иккинчи принцип, ташкилотнинг мажбуриятлари бўйича аъзоларнинг аъзолар олдидаги ўзаро тенг субсидиар жавобгарлиги принциpidир;

-учинчи принцип, жамият маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, қайтариш, жамиятнинг фаолиятнинг бошқа ҳуқуқий шаклига ўтиши, тугатилишида аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг пропорционаллиги ва тенглиги принциpidир.

Принципларнинг иккинчи гуруҳи, жамият аъзоларини суғурталаш бўйича жамиятнинг ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, булар аъзоларнинг суғуртавий мулкӣ манфаатлари (рисқлар) хусусиятларининг бир хиллиги принципи, суғурта тарифлари, суғурта захираларининг шаклланиши, суғурта ҳодисаси натижасидаги зарарларни аниқлашда қўлланиладиган ҳисоб-китобларни амалга ошириш усуллариинг асос бўлиши принципи, суғурта шартномаларини тузиш, қайта суғуртани амалга ошириш, маркетинг ва менежмент технологияларини амалга ошириш каби принциплардан иборат.[6]

Чет мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда биз ўзаро суғуртанинг қуйидаги принципларини таклиф этамиз:

-ўзаро суғурта жамияти аъзолари суғуртавий (мулкӣ) манфаатларининг умумийлиги (бир хиллиги);

-ўзаро суғурталаш жамиятига аъзоликка киришнинг ихтиёрийлиги;

-барча аъзолар томонидан кириш ва аъзолик бадалларини тўлашнинг мажбурийлиги;

-тўлайдиган аъзолик бадаллари ва бошқа тўловларининг қийматидан қатъий назар, барча аъзолар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги;

-ҳар бир аъзонинг қўшимча бадални тўлашдаги бир хил субсидиар жавобгарлигининг мавжудлиги;

-жамиятни бошқаришнинг демократик хусусияти;

-жамият фаолияти билан боғлиқ маълумотларнинг барча аъзолар учун очиқлиги;

-жамият аъзоси томонидан вақтинчалик тўланмаган аъзолик бадали унга суғурта хизматини кўрсатмаслик ҳолатини келтириб чиқармаслиги принципи.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилаётган мамлакатимизда ушбу фаолиятнинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қиладиган суғурта соҳасини ривожлантириш учун ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолиятини мамлакатимизда йўлга қўйиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Ушбу муаммони ҳал этиш учун, аввало давлатнинг ташаббускорлиги, ўзаро суғурта фаолиятининг мукамал ҳуқуқий таъминотини яратиш, одамлар ўртасида ўзаро суғурта тўғрисидаги тушунчаларни шакллантириш ишларини йўлга қўйиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ю.В.Пинкин Справочник страховщика. Ростов на-Дону Феникс 2007 стр.101.
2. В.М. Бартош. «Взаимное страхование по Российскому праву». Автореферат на соискание к.ю.н. Москва 2005, с.3.
3. Тенденции и перспективы развития страхования в России. Москва «Диалог МГУ» 1999 с. 6.
4. Х.Шеннаев. Суғурта агентлари учун қўлланма. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти, Т.:-2010, 152-бет.
5. В.А.Зеленчук. «Совершенствование взаимного страхования от несчастного случая в предпринимательской деятельности». Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Москва 2013. ст.5.
6. Рябчиков А.Н. Направления развития взаимного страхования в регионе, автореферат диссертации на соискание кандидата экономических наук, Екатеринбург 2010, 7 стр.